



Кадимги Миср - тарихдаги энг кадимий хазоралардан биридир. Милоддан аввалги учинчи асрда ёзувнинг пайдо бўлиши, Нил дарёсидан фойдаланиш, душманнинг кўккисдан хужум килишининг олдини оладиган кулай табиий-географик жойлашув - буларнинг бари кадимги мисрликлар маданиятининг гуллаб-яшнашига сабаб бўлган.

Албатта, Миср хазорасининг асоси энг аввало табиатнинг мўъжизаларидан бири бўлган Нил дарёси эди. Бутун Африка китъасини кесиб ўтувчи мана шу хаётбахш дарё туфайли мисрликлар йил бўйи ёмгирлар мавсумига боглик бўлмай, дехкончилик билан шугулланишар эди. Тарихчи Эрнст Гомбрих бу ҳақда шундай дейди:

Африка - жуда иссик китъадир. Бу ерда баъзан ойлаб ёмгир ёгмайди. Шунинг учун бу улкан материкнинг катта кисми кургокчиликка мойил бўлиб, ери кум барханлари билан копланган. Миср ҳам шундай. Мисрнинг ўзида ҳам ёмгир жуда кам ёгади. Аммо бу ўлкада ёмгирга катта эҳтиёж йўк, чунки бутун мамлакат бўйлаб хаётбахш Нил дарёси окиб ўтади.

Ана шундай муҳим стратегик ахамиятга эга бўлган Нил дарёсини назорат килиш эса савдо-сотик ва дехкончиликнинг асосий манбаини назорат килиш деган сўз эди. Кадимги Миср хукмдорлари айнан шу йўл билан бутун мамлакатни қўл остига олган эдилар. Миср хукмдорлари фиръавнлар деб аталар эди.

Аммо афсуски, юсак даражада тараккий этган бу хазора ширк ва куфр боткогига ботган эди. Улар ота-боболаридан колган бидъат-хурофотларга маҳкам ёпишиб олиб, бутларга ва фиръавнларга сигинар эдилар. Кадимги Миср халки ўз мамлакатининг табиий-географик шароитларига кучли даражада боглик эди. Мисрнинг жойлашган ўрни мамлакатни боскинчилардан ишончли химоя киларди, яъни Миср чўллар, тоғлар ва денгизлар билан ўралган эди. Бу мамлакатга хужум килиш учун иккитагина йўл бор бўлиб, бу йўлларни мудофаа килиш Миср кўшини учун мушкул эмас эди.

Хуллас, Мисрликлар бошқа мамлакатлардан алоҳида яшар эдилар. Бирок ташки дунёдан

узилган Миср халклари вақт ўтиши билан мутассибликка берилиб, янгиликлардан, ҳаётдан орқада қола бошладилар. Охиратга бўлган иймон Қадимги Миср ақидаларида муҳим ўрин эгаллар эди. Мисрликлар одам ўлгандан сўнг унинг руҳи тирик бўлади, амаллари учун ҳисоб беради, ҳисоб-китоб пайтида унинг яхши ва ёмон амаллари тарозида тортилади деб ишонар эдилар. Парвардигоримиз ҳар бир бандани адолат ва ғазлу-қарами билан ҳисоб қилади, яхши амал қилган одам роҳат-фарогатга, ёмон амал қилган одам эса азоб-укубатга дучор бўлади, деган ақида бор эди.

Қўриниб турибдики, дастлабки даврда Қадимги Миср халқи тавҳиддан ва диний ақидалардан хабардор бўлган. Аллоҳ Таолонинг ҳақ дини бу қавмга ҳам етиб борган экан. Аммо вақт ўтиши билан саҳиҳ иймонга бидъат аралашиб, ширк ва қуфр ақидасига айланиб кетган.

Маълумки, Миср ўлкаларига Аллоҳнинг бирлигига, Унгагина ибодат қилишга чақирган пайгамбарлар юбориб турилган. Ана шундай пайгамбарлардан бири ҳазрати Юсуф алайҳиссалом бўлганлар. Қуръони қаримда Юсуф алайҳиссаломнинг пайгамбарликлари ҳақида алоҳида хабар қилинган. Бани Исроил ҳам Юсуф алайҳиссалом билан биргаликда Мисрга келиб ўрнашиб қолган эди. Юсуф алайҳиссалом вафот этганларидан кейин бани Исроил қуллик асоратида қолди. Аллоҳ Таолонинг раҳмати билан Мусо алайҳиссалом пайгамбар қилиб юборилгач, бани Исроил Мисрдан чиқиб, ҳурликка эришди.

Миср фиръавнлари ақидалари бузуқ бўлганлиги туфайли тажовузкор ва золим эди, ўзини ҳудо деб эълон қилиб, халқдан ўзига шунга яраша муносабатда бўлишни талаб қиларди.

Аммо Қадимги Миср тарихида бу аҳволга барҳам бериб, халқни яққа Аллоҳга ибодат қилишга чақирган биргина фиръавн бўлган. Аммо сарой аҳли ўзининг маъкеидан қўрқиб, уни таъқиб остига олган ва кейинчалик унинг жонига қасд қилганлиги тарихдан маълум. Бу фиръавннинг исми Аменхотеп IV бўлиб, у милoddан аввалги 14 асрда ҳукмдорлик қилган.

Аменхотеп IV милoddан аввалги 1375 йилда тахтга ўтиргач, ширк ва қуфр ақидаларига қарши қураша бошлади, бироқ сарой аъёнлари томонидан қаттиқ қаршиликка учради. У Мисрдаги бутпараст ақидага қарши чиққанлиги, яққа Аллоҳга сизгинишга даъват қилганлиги ва ҳаётнинг турли жабҳаларига ижобий ўзгаришлар қирита бошлаганлиги туфайли консерватив табақаларнинг манфаатларига зарар етказиши мумкин эди.

Мамлакат пойтахти Теб шаҳрининг зодагонлари фиръавнга қарши очик қураш бошладилар. Натижада Аменхотеп ва унинг издошлари Теб шаҳрини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

Аменхотеп IV ўзини Ах-эн-Атон ёки Эхнатон деб атади бошлади, бу сўзнинг маъноси “яққа ҳудо - Атонга сизинувчи” эди. Аменхотепнинг фикрича, Атон “осмонлар ва ерни яратган” тангри эди. Бу эса Эхнатон Мисрнинг диний ақидаларини айнан тавҳид асосида ислоҳ қилишга уринганлигини қўрсатади.

Эхнатон ўлдирилгач, ҳукумат яна золим фиръавнлар қўлига ўтди. Улар ўзларининг бутпарастлик динларини қайта тиклаб олдилар. Орадан 100 йил ўтгач, Миср тарихида энг узок вақт ҳукмронлик қилган фиръавн Рамзес II тахтга ўтирди. Бир пайтлар бани Исроилга зулм қилган, ҳазрати Мусо алайҳиссаломга қарши қурашишга уринган фиръавн ана шу Рамзес эди.

Қадимги Мисрликлар ўзларининг бутпарастлик динларига жон-жаҳдлари билан ёпишиб олган эдилар. Уларга Аллоҳнинг набийлари ва расуллари келиб, яққа Аллоҳгагина

ибодат килишга чакирдилар, аммо фиръавн кавми мутассиблик билан ўзларининг бузук акидаларида колавердилар. Нихоят, Аллох Таоло Миср халкига хазрати Мусо алайхиссаломни юбордилар. Бу бани Исроил батамом куллик асоратида колган, фиръавн эса ўз зулмини авжига чикарган давр эди. Хазрати Мусо алайхиссаломнинг вазифалари Миср халкини ҳақ динга даъват килиш ҳамда бани Исроилни кулликдан озод килиб, уларга ҳақ йўлни кўрсатиш эди.

(Эй Мухаммад алайхиссалом), иймон келтирадиган кавм (ўкиб, ибрат олишлари) учун Сизга Мусо ва Фиръавн хабаридан ҳақки-рост тиловат килиб (сўйлаб) берурмиз. Дарҳақиқат, Фиръавн (Миср) ерида тугёнга тушиб, унинг ахолисини бўлак-бўлак килди. У улардан бир тоифани (яъни, бани Исроил кавмини) хорлаб, ўгилларини сўяр, аёлларини тирик колдирар. Албатта у бузгунчи кимсалардан бўлди. Биз эса у ерда хорланган кишиларга марҳамат килишни, уларни (хор-бечораликдан чиқариб, барчага) пешво зотларга айлантиршни ва уларни (Фиръавн мулкининг) ворислари килишни истаймиз. Яна Биз уларни ўша ерда баркарор килиб, Фиръавн ва (унинг вазири) Хомонга ҳамда икковининг лашкарларига (бани Исроил) томонидан ўзлари кўркувчи бўлган нарсани (яъни, мулку-давлатлари кўлларидан кетиб, ҳукму салтанат бани Исроил кавмининг кўлига ўтишини) кўрсатиб кўйишни (истаймиз). «Касас» сураси, 3-6-оятлар Парвардигоримизнинг амри-фармони билан хазрати Мусо ва Хорун алайхимуссалом фиръавннинг хузурига келиб, унга Аллохнинг иродасини етказдилар. Шунингдек бу икки пайгамбар алайхимуссалом фиръавндан бани Исроилни озод килиб, ўзлари билан бирга кетишга рухсат беришини талаб килдилар.

Хазрати Мусо алайхиссалом уларни Аллохнинг динига даъват килдилар, бу дин фиръавнни сохта худоликдан махрум килиб, унинг ҳам ожиз бир банда эканлигини фош килиб ташлади. Шунингдек, бани Исроил бу юртдан чиқиб кетса, фиръавн ишчи кучининг асосий кисмидан ҳам махрум бўлиб коларди. Шу сабабдан Фиръавн хазрати Мусо алайхиссаломнинг даъватини кескин инкор этди. Сен менинг тахтимни эгалламокчисан, деб тухмат килди.

Фиръавн ҳам, унинг атрофидагилар ҳам Аллох Таолонинг элчиларига бўйсунмадилар. Уларга ҳақ йўлга кириш насиб этмади. Нафси аммора кибр йўли билан уларни икки дунё саодатидан махрум этди. Аллох Таоло бу осий кавм устига сон-саноксиз офат-балолар ёгдирди.

Ўзининг бутпарастлик акидасига кўр-кўрона ёпишиб олган Фиръавн ва унинг атрофидагилар ота-боболарининг бузук эътикодидан воз кеча олмадилар. Хазрати Мусо алайхиссаломга буюк неъмат килиб берилган ақл бовар килмас мўъжизалар ҳам бу бахтиқаро кавми иймон билан шарафлантира олмади. Ояти карималарда бу ҳақда шундай хабар килинади:

Улар (Мусога): «Сен бизларни сеҳрлаш учун кандай оят-мўъжиза келтирсанг ҳам, биз сенга харгиз иймон келтиргувчи эмасмиз», дедилар. Аъроф сураси, 132-оят
Ҳақ йўлдан бош тортган золим кавм устига кетма-кет офат-балолар ёгила бошлади. Аввал Мисрда дахшатли кургокчилик бўлиб, кахатчилик бошланди.

Дарҳақиқат биз Фиръавн одамларини панд-насихат олишлари учун (кахатчилик) йиллари билан ва мева-чеваларнинг хосилини камайитириш билан ушладик. Аъроф сураси, 130-оят

Мисрликлар Нил сувлари ёрдамида дехкончилик килардилар, шу сабабли кургокчиликнинг оқибати улар учун гўё огир бўлмади. Фиръавн ва унинг аъёнлари Парвардигоримизнинг элчисини инкор этиб, ўзларини мисли кўрилмаган балоларга

гирифтор килдилар. Афтидан, шундан сўнг Нил сувлари кескин камайиб кетиб, ерларни сугориш учун казилган каналларга сув бормай колган. Жазирама иссик эса бутун хосилни нобуд килган. Фиръавн ва Миср зодагонларининг бутун умиди Аллохдан эмас, Нил сувларидан эди. У такаббурлик билан халкка шундай деди:

«Эй халк! Мен Мисрнинг подшохи эмасманми, мана бу дарёлар менинг кўл остимда окмаяптими?»

Бирок бу офатлар азоб-укубатларнинг бошланиши эди, холос. Кургокчилик ва кахатчиликдан кейин янада дахшатлироқ офатлар келди. Ояти карималарда айтилишича, кургокчиликдан сўнг тўсатдан кучли сел келди, ҳаммаёкни сон-саноксиз чигиртка ва бугдой битлари босиб кетди, улар барча экинларни бир зумда еб битирди, еру-осмонни курбакалар босиб кетди. Нил сувларида эса гоятда захарли фитопланктон пайдо бўлиб, сувнинг ранги кондек кип-кизил бўлиб колди, натижада халк сув манбаидан ҳам махрум бўлди.

Бирок, Аллох адаштирган бандага хидоятга йўл йўклиги туфайли, Фиръавн ҳам, унинг кавми ҳам бу сабоқлардан хулоса чикармади. Осий кавм ҳамон кибрдан кутула олмас эди. Аммо бу холат узокка чўзилмади. Такаббур фиръавн Аллох Таолонинг кудрати олдида ожизлигини тан олмади. Парвардигори олам хазрати Мусо алайхиссаломга бани Исроилни Мисрдан олиб чикиб кетишни буюрди.

Хазрати Мусо алайхиссалом ҳақ динга эргашган бани Исроил кавми билан йўлга тушдилар. Бирок Фиръавн бунга чидай олмай, уларнинг устига кўшин тортиб келди. Фиръавннинг кўшини бани Исроилга денгиз киргогида етиб олди. Бани Исроилнинг баъзилари Фиръавннинг кўшинини кўриб, вахимага тушди. Хатто бизни кочишга сен мажбур килдинг, энди халок бўлишимиз аник, деб хазрати Мусога таъна кила бошлашди. Яхудийларнинг айтишича, Тавротда бу ҳақда шундай деб ёзилган экан: "Улар: Мисрдан олиб чикиб кетиб, бизни нима килдинг? Ахир сенга Мисрда бизни кўявер, майли биз мисрликларнинг кўлида ишлайверамиз, деб айтмадикми? Сахрода ўлиб кетгандан кўра Мисрда кул бўлиб юрганимиз яхши эди" дедилар."

Бани Исроилнинг ожизлик килганлиги Куръони каримда куйидагича баён килинади: Энди қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач, Мусонинг ҳамрохлари: "Бизлар аник тутилдик, (чунки олдимизда ҳеч қандай йўл йўқ факат денгиз бор)", дедилар.

Шуъаро сураси, 61-оят

Бани Исроил дахшат ичида колган бўлса, хазрати Мусо алайхиссалом

Парвардигоримизнинг нусратига иймон келтирган холатда хотиржам туриб, шундай дедилар:

(Мусо) айтди: "Йўқ, аникки, мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта У мени (нажот) йўлига бошлар". Шуъаро сураси, 62-оят

Ана шунда Аллох Таоло хазрати Мусо алайхиссаломга буюк бир мўъжиза кўрсатди. Бу мўъжиза ҳақида мана бу ояти карималар нозил бўлган:

Бас, Биз Мусога: "Асойинг билан денгизни ургин", деб Вахий юбордик. Бас, (у асосини текизган эди, денгиз ўртасидан) бўлиниб ҳар бир бўлак (сув) баланд тоғ каби бўлди.

(Сўнг Мусо ва унинг кавми денгиз ўртасидан очилган йўлга тушдилар). Ва кейингиларни (яъни, Фиръавн ва унинг кўшинини ҳам) ўша (йўлга) якин килдик. Ва Мусо ҳамда у билан бирга бўлган кишиларнинг барчаларига нажот бердик. Сўнгра кейингиларни (денгизга) гарк килиб юбордик. Албатта бунда оят-ибрат бордир. (Лекин одамларнинг) кўплари иймон келтиргувчи бўлмадилар. Шак-шубҳасиз, Парвардигорининг Ўзи (кофирлар устидан) Фолиб, (мўъминларга) Меҳрибондир. Шуъаро сураси, 63-68-оятлар

Фиръавн ўз кўшини билан денгизнинг ўртасида очилиб колган йўлда бани Исроилнинг оркасидан югурди. Аммо баланд сув деворлари тўсатдан бирлаша бошлади. Куни битганини тушунган фиръавн дахшат ичида Аллох Таолога илтижо қилишга тушиб, энди аник иймон келтирганлигини айта бошлади.

Мухтарам дўстлар! Ана шу дахшатли пайтда воқеа айнан қандай юз берганлигига ягона гувоҳ - Аллох Табароқа ва Таолодир. Агар бу воқеа ҳақидаги ояти қарималар бўлмаганда, инсоният бу ҳақда ҳеч қандай маълумотга эга бўлмас эди. Парвардигоримиз бизга бу воқеани шундай баён қилади:

Энди унга (Фиръавнга денгизда) гарк бўлиш (пайти) етганида эса, у деди: «Ҳеч қандай илоҳ йўқ, магар бани Исроил иймон келтирган Зот – Аллохгина борлигига иймон келтирдим. Мен мусулмонлардандирман – Аллохга бўйсинувчилардандирман» Юнус сураси, 90-оят

Аллох Таоло фиръавннинг кечиккан тавбасини қабул қилмади. Унинг ўзи ҳам, кўшини ҳам сувга гарк бўлиб, ҳалок бўлди. Аллох Таоло кейинги ояти қаримада шундай марҳамат қилади:

Энди-я! Ахир сен илгари (яъни шу пайтгача) итоатсизлик қилган ва бузгунчи қимсалардан бўлган эдинг-ку! Мана бугун ўзингдан кейинги кишиларга оят-ибрат бўлишинг учун Биз сенинг жасадингни қутқарурмиз. Дарҳақиқат кўп одамлар Бизнинг оятларимиздан гофилдирлар (яъни улардан ибрат олмайдилар). Юнус сураси, 91-92-оятлар

Осий қавм Аллох Таолонинг мўъжизаларини инкор қилгани учун Унинг қаҳру-ғазабига учради. Фиръавн ҳалок бўлгач, бани Исроил Аллох Таоло уларга раво қўрган ерларга етиб борди.

(Миср ва Шомдаги) ўзимиз баракотли қилган ернинг машрик ва мағрибларига бу бечора қавми (яъни бани Исроилни) ворис қилиб қўйдик. (Эй Мухаммад алайҳиссалом), сабр-тоқат қилганлари сабабли бани Исроилга Парвардигорингизнинг гўзал сўзлари тўла-тўқис бўлди. Фиръавн ва қавми ясаб-қуриб олган иморатларни ва баланд қилиб қўтарган қасрларни эса қайрон қилдик. Аъроф сураси, 137-оят

Ушбу фильмда биз қўриб чиққан археологик фактлардан маълум бўлишича, муқаддас Қуръони қаримдаги ояти қарималарда хабари берилган барча тарихий далиллар бугунги кунга қелиб илм-фан томонидан ўз тасдиғини топмоқда. Саҳих эътиқодли мўмин-мусулмонлар Қаломуллох Парвардигоримизнинг ҳазрати Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ваҳий қилган мўъжизаси, муқорак қаломи эканлигига иймон келтирадилар. Мазкур фильмда келтирилган илмий далиллар эса мана шу эътиқодни янада мустаҳкамлашга, қалби иймонга мушарраф бўлиш арафасида турган кишиларга ҳидоят нурига яқинлашишга қўмаклашади, деган умиддамиз. Ҳар бир инсон ҳалок бўлган қавмларнинг аянчли тақдиридан тегишли ҳулоса чиқариши, Аллох Таолонинг қаҳру-ғазабига эмас, балки икки дунё саодатига эришиш йўлини танлаб олиши лозим. Ҳалок бўлган қавмларнинг қиссалари меҳрибон ва раҳмли Аллох Таолонинг биз - охир замон умматига раҳмат қилиб юборган огоҳлантиришидир.

Бизни адашган ва ғазабга учраганларнинг йўлига эмас, расуллар ва набийларнинг йўлига бошлаган зот - оламларнинг Роббиси - Парвардигоримизга чексиз ҳамду-санолар бўлсин! Омин.

Сувга кўмилган фиръавн

Муаллиф:

29.09.2023 21:02 -

Абу Муслим тайёрлади